

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДАГИ БИРЛАМЧИ ВАРИАНТ МАСАЛАСИ

С.Сариев - филология фанлари номзоди, доцент

О.Гайлиева - филология фанлари номзоди, доцент

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: “Гўрўгли”, қўлёзма нусхалар, бирламчи вариант, туркий халқлар эпослари, версия.

Ключевые слова: “Гёроғлы”, рукописные экземпляры, оригинал, вариант, эпосы тюркоязычных народов, версия.

Key words: “Gorogly”, manuscripts, uzbek epos, original, variant, eposes of the Turkic people, version.

Ўзбек «Гўрўгли» достонлари, хусусан шаркий ўзбек версиясига мансуб достонлар ҳажман бирмунча катталиги ва хилма-хиллиги, туркумлаштишнинг мураккаб жиҳатларига асосланганлиги билан ажралиб туради. Маколада туркумга мансуб достонларни ёзиб олиб номлаш жараёнларида эътиборни тортадиган айрим жиҳатлар ҳақида тўхталамиз.

«Гўрўгли» достонлари туркумга кирувчи «Малика» Айёр ва «Гулшанбоғ» достонлари халқимиз орасида энг кенг тарқалган, севиб ўқиладиган ва тингланадиган достонлардан ҳисобланади. Ушбу достонлар алоҳида ҳолда нашр ҳам қилинган. Хусусан, «Малика» Айёр» достони 1988 йилда ўзбек фольклоршу-нослигининг асосчиси Ҳоди Зариф нашри асосида Зубайда Ҳусайнова томонидан тўлдирилган ҳолда қайта нашр қилинган [1:334]. «Малика» Айёр» достонининг қўлёзма нусхаси ҳам мавжуд бўлиб, у ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида №836 рақамли инвентарда сақланади [2:243]. «Гулшанбоғ» достони эса шоир Бекмурод Жўрабой ўғлидан ёзиб олинган ва 1969 йилда фольклоршунослар Зубайда Ҳусайнова ва Мухаммаднодир Саидовлар томонидан нашр қилинган [3:276]. Бир пайтлар эса «Гулшанбоғ» достонини «Малика» Айёр» достонининг варианты сифатида қарашлар ҳам мавжуд бўлган.

Ушбу достонлардаги қўлаб лавҳаларда айнан бир хилликлар кузатилади. Масалан, Чамбилбел «Оқ дарвозали Чамбил», «Кўк дарвозали Чамбил» деб таърифланади. «Гулшанбоғ»да Ҳовдак қўлда икки пари – Малика Айёр Гулшанбоғдан, Тиллақиз Шаҳри Шабистондан келиб Гўрўглига йўлиқади. «Малика» Айёр»да эса Малика айёр Торикистон шаҳридан эканлиги айтилади. Шеърый матнлар фарқ қилса-да, сюжет бир хил. Шуниси қизиқки, «Гўрўгли» туркумга кирувчи “Холдорхон” достонидаги Аҳмад Сардорнинг ҳиёнатли босқини воқеаси «Малика» Айёр» достони қўлёзмасининг бошига киритилган. Бу воқеа «Малика» Айёр» ва «Гулшанбоғ» достонларининг нашр вариантларида йўқ.

«Гулшанбоғ»да Малика Айёрдан фарқли тарзда персонаж ва маконларнинг номлари – Гулдона она макони, Бозиргоншоҳ қалъаси, Тешик тоғ – Сарсон дев макони, Зангги шох қизи Гулбиби қўшқи, суви инсонни қурбакага айлантириб қўядиган сирли сой, деб келтирилади. Авазхон Малика айёр ва Тиллақизнинг юртига ушбу маконлардан синовлардан ўтиб боради. «Малика» Айёр»да эса синов жойларининг номлари санаб келтирилмаган, чунки Авазхон фақатгина девларнинг маконларига бориб, девларни енгиб синодан ўтади. Гулшанбоғ без юз йиллик йўл, Шабистон уч юз йиллик йўл. Қўринадик, «Малика» Айёр» ва «Гулшанбоғ» достонларининг сюжет ўзаги бир хил.

«Гулшанбоғ»да Юнус ва Мискол парилар рашқ ўтида ёниб, Аҳмад Сардорни Гўрўглига гиж-гижлайди. Аҳмад Савдор Асад ва Шодмон мерганларни Авазни ўлдириб келишга юборади. Бу мерганлар Авазхонни отолмайдилар ва қайтанга у билан йўлдош бўлиб бирга кетишади.

«Гулшанбоғ»да Лот деган қалмоқ юрти шохининг қизи Кўккўз ойм Авазхонни қўриб севиб қолади. Аваз Кўккўз оймга қиё ҳам боқмай ўтиб кетади. Бу сюжет «Малика» Айёр»нинг нашри ва қўлёзмасида йўқ. Шу кетишда «Гулшанбоғ»да Қоплон девга, «Малика» Айёр»да Мақотилга йўлиқади. Шу жойдаги курашчи сюжети ўхшаш. Иккала достонда ҳам Аваз ғолиб келиб рақибни иккига бўлиб ташлайди. Буни қўриб, Асад ва Шодмон мерганлар Чамбилга қочи кетишади.

Шундан сўнг Аваз «Гулшанбоғ»да Гулдона кампирнинг ёнига боради, «Малика» Айёр»да эса душман лашкари билан уришади. Гулдона кампир шум, мастан кампир эди. Аваз унга ўзини қалмоқ тўраси Дўрманхон деб таништиради. Аваз кампирнинг уйига меҳмон бўлиш учун қиради. Қараса, бир катта қозонда мой. Қозон тагига ўт ёқилган. Аваз момонинг шум ниятини дарҳол фаҳмлаб тушунади. Момо ҳар бир меҳмонини чилдирма чалиб ўйнатиб, қозонга итариб юбориб ўлдиради эди. Авазхон буни ўз вақтида англаб чилдирмани ўзи чертади ва момони ўйнатиб уни қозонга итариб юборади ва кампир ўлади. Авазхон эса йўлида давом этади.

«Гулшанбоғ» достонидаги айна шу сюжет бир пайтлар ўрта мактабларнинг бошланғич синфлари учун чиқарилган «Ўқиш» китобида расми билан берилган «Ялмоғиз кампир» деган эртак сюжетининг айна шу эди. Демак, бу каби сайёр сюжетлар асар қахрамонинг фаолиятини, қахрамонлигини яна-да орттириб кўрсатиш билан бирга, асарнинг тарбиявий жиҳатини ҳам оширган.

«Гулшанбоғ» достонида Бозиргон образи ҳам берилган бўлиб, у шох деб тасвирланади. Авазхон кейин Бозиргоншоҳ шахрига боради. Бояги Гулдона шум кампирнинг опаси – Холдона Бозиргоншоҳ шахрида яшар экан. Бозиргоннинг Оғтобой деган қизи бор эди.

Авазни Хизр бобо бошқа - гадои қиёфасига киргизиб юборади. Буни Холдона шум кампир билади. Оғтобой Авазхонни севиб қолади. Аваз унинг севгисин рад қилади. Буни Оғтобой Бозиргоншоҳга айтиди ва ўртада катта жанг бўлади. Авазни банди қилиб, зиндонга

ташлайдилар. Уни Малика Айёр қутқариб Гулшанбоғга олиб кетади ва унинг ўзи Авазни банди қилиб ташлайди.

Ғирот Аваз асир олингач, қочи Чамбилга келади ва Ҳасанхон Аваз учун кетмокчи бўлади. Бирок Гўрўгли уни тўхтатиб Чамбилни Ҳасанхонга топшириб, ўзи кетади. Бозиргон шахрига келиб, Малика Айёрнинг пари қаниси орқали Авазнинг дарагини билади. Бозиргон шахридан чиқиб, Малика Айёрни излаб кетади ва Тешик тоғда Сарсон девни учратади. (Аваз Қоплон девни ўлдирган эди). Жангда Гўрўгли Сарсон девни иккига бўлиб қочи ташлайди ва йўлида давом этади.

Шу боришда Зангги подшоҳи қизининг қўшқига дуч келади. Зангги подшонинг қизи Ойжамол бундан хабар топиб, унинг олдида келади. Ойжамол ширин муомала билан хийла йўлига ўтиб олади ва Гўрўглига дорийи беҳуш беради. Бу дори Оға Юнус парининг рўмоли тўғайли таъсир қилмайди. Ойжамол отаси Зангги шохга хабар юборади. Гўрўгли Зангги шохнинг қўшини билан жанг қилиб, уни қириб ташлайди ва яна йўлида давом этади ва бир чорбоғга етади. Бу чорбоғ Гўрўглининг дўсти Шерниёзнинг синглиси Қирмизойнинг чорбоғи эди.

Қирмизой Гўрўглини Гулшанбоғга йўллайди. Бу пайтда Шерниёз Қосимшоҳнинг вазири Зулфизар ўз қизи учун ўтказётган пойгада иштирок этиш учун кетган эди. Гўрўгли шу кетишда қиморбоз ва хотинбоз Қовшар чолга йўлиқади. Улар пойгада катнашадилар. (Шу сюжетда Интизор образи пайдо бўлади.)

Пойгада Гўрўгли ютади. Гўрўгли ва Шерниёз Қосимшоҳ билан учрашади. «Малика» Айёр» достонида Малика Айёр Қосимшоҳнинг қизи деб берилган. Малика Айёрга Авазни банддан озод қилиб олиб келишни буюради. Авазни олиб келади. Аваз бу ишни эплай олмаганлиги учун отасидан узр сўрайди. «Гулшанбоғ»да Қосимшоҳ Малика Айёрни Авазни банди қилиб ота-болани айиргани учун уни етти йилга темир қафасга банди қилади. Етти кундан сўнг Гўрўгли султон Қосимшоҳдан Малика Айёрнинг гуноҳидан ўтишни сўрайди. Улар Малика Айёр, Интизорни олиб от устида қўшқка миндириб уйга қайтишади. Бозиргоншоҳ шахрига етдилар.

Гўрўгли Бозиргоншоҳдан қизи Оғтобойни беришни ва ўзи эса таслим бўлишни талаб қилади. Орада катта жанг бўлади. ва Гўрўгли уларни қириб доғитади. Бу жангда Аваз ва Шерниёз ҳам роса жанг қилиб, ўз ботириқларини намоён қиладилар. Аваз яраланади. Гўрўгли Аваз банди бўлмасин, деб ўзи асир тушади. Бу орада Ҳасанхон ҳам қиё йигит билан етиб келади ва қайтадан жанг бўлади. Аваз Бозиргоншоҳни банди қилади ва Гўрўгли қирк кун Бозиргоншоҳ тахтида ўтириб юрт сўрайди. Кейин Бозиргоншоҳни озод қилиб, тахтини яна қайтариб беради ва Оғтобойни Шерниёзга никохлаб бериб, Чамбилга равона бўдилар.

Аваз Гўрўглига Асад ва Шодмон мерганлар воқеасини айтиб беради. Буни эшитган Гўрўгли қахрлини Аҳмад Сардорни зиндонга, Юнус ва Мискол париларни темир қафасга солдиради. Авазхон уларнинг гуноҳини талаб олиб озод қиладилар. Тўй-томоша қилиб, мурод-мақсадларига етадилар.

«Гулшанбоғ»да асар воқеаларининг ўртасигача Малика Айёр ва Тилло қиз хусусида сўз борса-да, охирига бориб Тилло қиз ҳақида умуман сўз юритилмаган, у ҳақда унутилиб қўйилган.

«Гулшанбоғ» ва «Малика» Айёр» достонлари борасида фольклоршунос Т.Мирзаев, бу достонларни махсус тадқиқот объекти сифатида ўзаро таҳлил қилиш лозимлигини айтиб, бу иккала достонни, масалан, «Гулшанбоғ» «Малика» Айёр» достонининг вариантими ёки алоҳида достон эканлигини аниқлаш бугунги ўзбек эпосшунослигининг долзарб масалаларидан бири эканлигини белгилаб берганлар. Ушбу икки достон сюжети ва мотивлари жиҳатидан айна шу.

Биз ушбу достонларни, яъни «Гулшанбоғ» ва «Малика» Айёр» достонларининг нашр вариантлари ва «Малика» Айёр» достонининг қўлёзма вариантларини ўзаро қиёсий таҳлил қилиш асносида «Гулшанбоғ» ва «Малика» Айёр» достонларидаги ўзаро қуйидаги тафовутларни аниқладик:

1) «Малика» Айёр» достонида Авазхон фақатгина мифологик қучлар – девлар, аждарҳо ва парилар билан тўқнашади ва асосан мифологик олам қучларининг синовларини бошидан кечиради. Мақотилни ва изчил тарзда бирин-кетин девларнинг маконларидан синовлардан ўтади. «Гулшанбоғ»да эса асосан реал олам билан боғлиқ қучлар – инсонлар ва макр-хийла билан боғлиқ синовлардан ўтади. Яъни «Гулшанбоғ»да воқеалар жараёнида Қоплон дев билан бирга асосан реал персонажлар, масалан, Бозиргоншоҳ ва унинг қизи Оғтобой, Гулдона ва Холдона кампир, Зангги шох ва бошқалар фаол катнашади.

2) «Малика» Айёр»да қахрамонлар фаолиятида мифологик хусусиятлар устунлик қилади, яъни қахрамон эврилиш орқали ўз кўринишини ўзгартиради. «Гулшанбоғ»да реаллик устунлик қилади, яъни қахрамон асосан ўз ақли ва қучига ишониб иш қўра боради.

3) Ҳар иккала достоннинг сюжет асоси, ўзаги бир хил, яъни Малика Айёрни олиб келиш бош мақсад. Малика Айёрнинг макони «Малика айёр» достонида Торикистондаги Гулшанбоғ, деб берилса,

«Гулшанбоғ» достонида «Гулшанбоғ» боғи дея таърифланади. Иккинчи дostonда Торикистон ҳақида айтилмайди. Дostonда келтирилишича, Торикистон – зулмат шаҳри бўлиб, у ер ости дунёсида жойлашган. Ҳар иккала дostonда ҳам Тилло киз Шабистондан, деб берилган. Бироқ ҳар иккала дostonда асосий ургу Малика Айёрга қаратилади.

Шу ўринда фольклоршунос Тўра Мирзаевнинг фикрлари эътиборни тортади, яъни домланинг фикрича, «Гулшанбоғ» дostonи илгари даврларда «Малика Айёр» дostonининг экспозицияси бўлган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Дostonларнинг киёсий таҳлилидан устознинг сўзлари юз фоиз ўз исботини топа борганлигининг гувоҳи бўламиз.

4) «Малика Айёр» дostonида Гўрўғли Шохқаландар бўлиб боради. Унга Шозаргар йўлда йўлдош, шахзода Маҳмуд эса ёрдамчи бўлади. Гўрўғлининг дўсти Шерниёз ҳақида сўз юритилмаган. «Гулшанбоғ» да эса Гўрўғли номини ўзгартирмайди. Унинг дўсти Шерниёз ва Шерниёзнинг синглиси Қирмизой унга йўлдош бўлади.

5) «Гулшанбоғ» дostonидаги Гулдона мастон кампирни қозонга итариб юбориш сюжети болалар учун яратилган «Ялмоғиз» кампир эртагининг сюжети билан бир хиллик касб этган.

6) Ҳар иккала дoston финалида Малика Айёрни олиб келиб, тўю-томосҳалар билан муродиға етадилар.

Шу ўринда бир жихатни айтиб ўтиш фойдадан ҳоли эмаски, «Гулшанбоғ» дostonини нашр қилганда нашрга тайёрловчилар ўзларига берилган ҳуқуқлардан, яъни, дoston номини ўзгартириш мумкинлигидан фойдаланганлар. Чунки, дostonга чиroyлай ном қўйилган ва у ўқувчини диққатини тортмай қолмайди. Бироқ, аввал «Малика» Айёр» дostonини ўқиб чиққан китобхон «Гулшанбоғ» ни ўқиши билан хайратга тушиши табиий. Чунки, бир хил ҳодисанинг иккита номланишига дуч келади. Буни ўз навбатида фақат мутахассисларгина тўғри англаши мумкин.

Бироқ дostonларнинг нашрга тайёрлаганда уларнинг номларини ўзгартаришдан чекинган маъқулроқдек кўринади. Чунки бу ўз навбатида қатор чалқашликларни, тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Шу билан бирга халқ орасидаги айрим кишиларга ҳос бўлган «дostonчилар дostonни ёдлаганда унинг маъзинигина ўзлаштириб олади ва бошқа дostonлардаги «сайёр ва тайёр матнлар, сайёр сюжетлар»дан фойдаланган ҳолда қўйлайверади. Буни ким ҳам фарқиға бориб ўтирибди. Буни фақат мутахассисларгина билиши мумкин», деган нотўғри фикрларига сабаб бўлади.

Демак, дostonларнинг вариантлари ва версияларининг ҳар бири-ни сюжети ва мотивларига асосланган ҳолда қайта номлайверсак, жами дostonларимиз бир неча юздан, ҳатто, мингдан ошиб кетиши мумкин. Шундай экан, дostonларни нашрга тайёрлаганда унинг номини ўзгартариш ёйқ қайта номлаш масаласига эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак бўлади.

«Малика Айёр» ва «Гулшанбоғ» дostonларини таҳлил қилар эканмиз, яна бир неча жихатларга эътиборни қаратсак:

«Малика Айёр» дostonининг оғзаки ҳолда тарқалган Фозил Йўлдош ўғли, Мелаш ва Зоҳир Қўчқоров вариантлари борлиғи маълум. Ушбу вариантларни фольклоршунос М.Саидов ҳам ўзаро киёсий аспектда таҳлил қилган. Биз уларнинг мазмунига эътибор қилсак, Фозил Йўлдош ўғли ва Мелаш баҳши вариантлари ўзаро яқинлиғи маълум бўлади. Зоҳир Қўчқор ўғли варианты эса аввалги икки вариантдан мазмунан экспозиция, воқеалар ривож, кульминация ва ечимига кўра бирмунча фарқларга эға эканлигини кўрамиз.

Бекмурод Жўрабой ўғлидан ёзиб олинган «Гулшанбоғ» дostonида, гарчи уни баҳши «Малика Айёр» деб номлаган бўлса-да, унинг «Малика Айёр» дostonидан фарқларга эғалигини Зоҳир Қўчқор ўғлининг варианты даражасида, деб баҳолаш мумкин. Шуниси кизикки, Зоҳир Қўчқор ўғли варианты эътиборли фарқларга эға бўлса-да, уни янги ном билан атамасдан «Малика Айёр» дostonининг Зоҳир Қўчқор варианты, деб қаралади; «Гулшанбоғ» дostonининг «Малика Айёр» дostonидан фарқлилик даражаси Зоҳир Қўчқор ўғли варианты даражасида бўлса-да, шунингдек, Бекмурод Жўрабой ўғли томонидан дoston «Гулшанбоғ» эмас, балки, «Малика Айёр» деб номланган бўлса-да, уни нашрга «Гулшанбоғ» деб номлаб, янги дoston сифатида нашр қилинган. Демак, нашрга тайёрловчилар ўзларининг асарни қайта номлаш ҳуқуқларидан фойдаланганлари ҳолда, дostonларимиз сонини яна бирға оширишға ҳаракат

қилгандай кўринади. Ва буни ютук сифатида қараш мумкин. Фақатгина бир жихат, яъни асарларни нашрга тайёрлашда фалсификацияға йўл қўйилмаса бўлгани. Демак, дostonларининг йиғма нашрларини нашрга тайёрлаганда, «Гулшанбоғ» дostonини «Малика Айёр» дostonининг варианты сифатида йиғма нашрга қиритиш мақсадға мувофиқ.

«Гулшанбоғ» дostonини «Малика Айёр» дostonининг бир варианты сифатида баҳолашимизға яна қўйидаги қатор жихатлар асос бўлганлигини кўрсатишимиз мумкин:

1) Нашрга асос бўлган Бекмурод Жўрабой ўғлининг «Гулшанбоғ» варианты Фозил Йўлдош ўғли вариантдан фарқлиғиға кўра Зоҳир Қўчқор ўғлиники даражасидан кам эмас. Бироқ шундай бўлса-да, Зоҳир Қўчқор ўғли варианты «Малика Айёр», Бекмурод Жўрабой ўғли варианты «Гулшанбоғ» деб нашр қилинган.

2) Шуниси кизикки, Бекмурод Жўрабой ўғлининг ўзи ҳам дostonни «Малика Айёр» деб номлаган ва бу нашрга тайёрловчиларнинг эътиборидан четда қолган [4:93]. Зоҳир Қўчқор ўғли вариантынинг бирмунча реал сюжетлар билан бойитилганлиғи, дostonдаги реаллиқнинг қучайтирилганлиғи эпоснинг Хоразм версияларига ҳамоҳанглик касб этади. Озарбайжон ва туркман версиялари борасида ҳам шунини айтиш мумкин. Зоҳир Қўчқор ўғли вариантыдаги бра ўзиға ҳосликни баҳшининг туркман баҳшилар билан узвий алоқада бўлиб келганлиғи билан изоҳлаш ўринлидир.

3) Учинчидан, ўзбек «Гўрўғли» дostonлари таркибига кирувчи «Малика» Айёр» дostonининг баҳшилардан ёзиб олинган бир неча оғзаки вариантлари билан биргаликда ЎзРФА Шарқшунослик институти Кўлёмалар фондида сақланаётган кўлёмза нусхалари ҳам мавжуд. «Гулшанбоғ» дostonининг эса Бекмурод Жўрабой ўғлидан ёзиб олинган оғзаки вариантдан ташқари вариантлари ҳозирча маълум эмас.

4) Колаверса, фольклоршунос Т.Мирзаев «Малика Айёр» ва «Гулшанбоғ» дostonлари ҳақида тўхталар экан, ушбу икки дostonни яна бир-бора киёсий таҳлил қилиш лозимлигини қайд қилиб ўтганлар.

Демак, «Гулшанбоғ» дostonини «Малика» Айёр» дostonининг мукаммал варианты сифатида баҳолаш ушбу дostonни йўққа чиқариш эмас, балки, китобхонлар ва ёш авлод олдида пайдо бўлиши мумкин бўлган айрим тушунмовчиликлар ва чалқашликларға чек қўйилган бўлади. Шу билан бирға фольклор ва фольклоршуносликдан беҳабар бўлган айрим тор фикрли доираларнинг «баҳшилар халқ дostonларининг асос сюжетини эртақ тарзида ўзлаштириб олади ва бир дostonда ижро этилган матнларни «сайёр ва тайёр матнлар» номи остида иккинчисида қўйлайверади, бунға мутахассислар эътибор қилиши мумкин. Бошқаларға эса буни фарқи йўқ», деган фикрларига жавоб бўлган бўлар эди. Энг асосийси, ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зарифовнинг «халқ ижоди намуналарини фалсификация қилишдан сақланиш» борасидаги даъватларини яна бир бора амалға оширган бўламиз.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, «Малика Айёр» дostonи ўзбек «Гўрўғли» дostonларининг энг оммалашган ва сеvimли шохобчаларидан бири бўлганлиғи, шубҳасиз. Бу борада ўзбек «Гўрўғли» дostonларининг Хоразм версиясидаги «Авазхон» туркумлиғи, эпоснинг «Бозиргон», «Қирқ минглар», «Хирмондали» шохобчаларини мисол қилишимиз мумкин. «Малика Айёр» дostonининг халқ орасида энг сеvimли дostonлардан бириға айланганлигини унинг бир ёки бир неча номдаги вариантларининг пайдо бўлганлиғи, ҳаттоки, халқ орасида кўлёмалар тарзида кенг тарқалганлиғи тасдиқлайди. Дostonнинг Ўз РФА Шарқшунослик институти Кўлёмалар фондида сақланаётган кўлёмза нусханинг баҳши мукаммаллиғи, шеър бандларидаги қофияларнинг қатъий тартиб билан изчиллиқда келиши, оғзаки вариантлардаги каби сайёр ва тайёр матнларға кўп ўрин ажратилмаганлиғи ушбу кўлёмза нусханинг қимматини белгилаб беради. Унда барча кўлёмалардаги каби шеърый матнларда ритмлар ва қофиялар тўлиқ бўлиб, бандларда узилишлар йўқ, барчаси тўлиқ тўрт, беш мисрали шеърлардан иборат. Воқеалар баёни асосан насрий матнларда тасвирланган (одатда, оғзаки вариантларда воқеалар баёни, асосан шеърый матнларда ифодаланади). Насрда сажъға қучли эътибор қаратилган. Бу каби фарқлар «Гўрўғли» эпосини ўрганишининг янғидан-янғи қирралари пайдо бўлишиға замин яратади.

Адабиётлар

- 1) «Малика» Айёр». -Тошкент: 1988, 334-б.
- 2) Ўз Р Фа Шарқшунослик институти Кўлёмалар фондидаги №836 рақамли инвентарь, 243 саҳифа.
- 3) «Гулшанбоғ». -Тошкент: 1969, 276-б.
- 4) Саидов М. Ўзбек дostonчилиғида бадий маҳорат. – Тошкент: «Фан», 1969, 162-б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада «Малика Айёр» ва «Гулшанбоғ» дostonлари ўзбек версияси ҳақида сўз боради. Шунингдек, бирламчи вариант ва Ўрта Осиё версияларига ҳам тўхталиб ўтилади.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются рукописные экземпляры узбекских версий дастанов «Малика Айёр» и «Гулшанбог». Изучаются оригинальные варианты и среднеазиатские версии в сопоставительном аспекте. А также речь идёт об изучении данного эпоса в зарубежной и отечественной фольклористике.

SUMMARY

The article is devoted to the analysis of manuscripts of Uzbek versions of the eposes “Malika Ayyor” and “Gulshanbog”. There have been studied the original variants and Central Asian versions at the comparative aspect and the epos in foreign and native folklore.